



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ТАҲЛИЛИНИ АҲБОРОТ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ

Nargiza Samadova,

TMI, "Иқтисодий таҳлил" кафедраси катта ўқитувчиси

Toшкент, Ўзбекистон

Email:nargizasamadova050@gmail.com

INFORMATION SOURCES OF ECONOMIC COMPETENCE ANALYSIS OF ECONOMIC SUBJECTS AND THEIR CLASSIFICATION

Nargiza Samadova,

Tashkent Institute of Finance, senior teacher

Tashkent, Uzbekistan

Email:nargizasamadova050@gmail.com

JEL Classification:M1,M4,M49

Аннотация. Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилишида аҳборот манбаларининг аҳамияти ва таҳлил қилиши жараёнида қўлланиладиган аҳборотларнинг ишончлилигини таъминлаш, мулкдорлар, бошқарув органлари, инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдорларнинг қизиқишиларини инобатга олган ҳолда иқтисодий салоҳиятни аҳборот манбаларини таснифлаш ва уларнинг хусусий ва умумий кўрсаткичлар тизимини шакллантиришининг услугий жиҳатларини такомиллаштириши, миллий иқтисодиёт хусусиятларини инобатга олган ҳолда инвестициявий жозибадорликни яхшилашга қаратилган иқтисодий салоҳиятни бошқариши усуllibарини такомиллаштириши масалалари ҳамда мамлакатимизда барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсиши таъминлаш, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилган ҳолда янги ўсиш

нуқталарини аниқлаш ҳамда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан етарлича фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан Замонавий бошқрув жараёнларининг самарали ва натижадор бўлиши бевосита уларнинг ишончли, илмий асосланган ва таҳлилий аҳборотлар билан ўз вактида таъминлашга боғлиқdir. Шунингдек, бугунги кунда бошқарув жараёнида ўрганиладиган масалалар, бошқарув обьектлари ва натижага таъсир этувчи омиллар шунчалик кўпки, натижада ҳар бир жараён, фаолият ёки обьектни алоҳида ўрганиши, якуний натижага ўзининг таъсирини кўрсатади.

Abstract. In this article, the importance of information sources in the analysis of the economic potential of economic entities and ensuring the reliability of the information used in the analysis process, taking into account the interests of owners, management bodies, investors and other interested parties, classifying economic potential information sources and improving the methodological aspects of forming their system of private and general indicators, issues of improving economic potential

management methods aimed at improving investment attractiveness, taking into account the characteristics of the national economy, and ensuring stable and proportionate economic growth in our country, increasing the effectiveness of economic reforms, identifying new growth points based on an in-depth analysis of the current state of socio-economic development of the regions, and using the existing economic potential sufficiently special attention is paid to use. In particular, the effectiveness and efficiency of modern management processes directly depends on their timely provision with reliable, scientifically based and analytical information. Also, today there are so many issues, objects of management and factors affecting the result that are studied in the process of management, that as a result, the study of each process, activity or object separately shows its influence on the final result.

Калит сўзлар: иқтисодий салоҳият, ахборот манбалари, ахборот таъминоти, ички манбалар, ташқи манбалар.

Keywords: economic potential, information sources, information supply, internal sources, external sources.

Кириш. Жаҳонда макро, мезо ва микро даражада бизнес субъектлари иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, уларни ҳисоблаш йўлларини аниqlаш, таҳлил қилиш ва баҳолаш усуllibарини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг замонавий ёндашувларини ишлаб чиқиш, таҳлил жараёнида қўлланиладиган ишончлилигини ахборотларнинг

таъминлаш, мулқдорлар, бошқарув органлари, инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдорларнинг қизиқишиларини инобатга олган ҳолда иқтисодий салоҳиятни таснифлаш ва уларнинг ҳусусий ва умумий кўрсаткичлар тизимини шакллантиришнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш, миллий иқтисодиёт ҳусусиятларини инобатга олган ҳолда инвестициявий жозибадорликни яхшилашга қаратилган иқтисодий салоҳиятни бошқариш усуllibарини такомиллаштириш масалалари замонавий илмий тадқиқотларнинг устувор ўйналишларидан бирига айланмоқда.

Сўнгги йилларда глобал иқтисодиётга кескин таъсир этган коронавирус пандемияси ва геосиёсий можароларга қарамай 2022 йилдаги 3 фоизлик пасайишдан кейин 2023 йилда 1,9 фоиз, 2024 йилда эса 2,7 фоизга ўсиши кутилаётганлиги жаҳон иқтисодиёти салоҳиятининг мустаҳкамлигини кўрсатмоқда.[1] Бу эса жаҳон бизнесида фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини тўғри ва самарали баҳолаш услубиётини янада такомиллаштириш, мавжуд имкониятлар ва яширин резервларни аниqlаш орқали янги ўсиш нуқталарини белгилаш, амалдаги кўрсаткичлар тизимини иқтисодий ўсишнинг асосий ўйналишларидан келиб чиқиб қайта шакллантириш ҳамда инвестициявий жозибадорликни ошириш нуқтайи назардан иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш усуllibарини ишлаб чиқишини тақазо этмоқда.

Мамлакатимизда барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, худудларни ижтимоий-иктисодий

ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чукур таҳлил қилган ҳолда янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ҳамда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан етарлича фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Эндиликда, «Худудларни барқарор ва жадал ривожлантириш учун уларнинг комплекс ва мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожланишини, табиий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини, иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини, шунингдек, ҳудудларнинг бошқа қиёсий устунликларини баҳолашнинг ягона тизимини жорий этиш».[2] устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Материал ва метод. Корхона иқтисодий салоҳиятига бағишлиланган кўплаб адабиётлар ва илмий нашрларда унинг қайсиdir бир элементи ёки бўмаса маълум ёндашув асосида иқтисодий салоҳиятга баҳо бериш масаласи ўрганилган. Ҳанузгача иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш борасида олимлар томонидан косенсусга

эришилган бирор метод мавжуд эмас. Чунки, иқтисодий салоҳият серкирра йўналиш бўлиб, уни мақсаддан келиб чиқиб турлича таҳлил қилиш мумкин.

Иқтисодий салоҳият таҳлилининг назарий асосларини хорижий ва МДҲ мамлакатлари олимларидан Р. Э Атоян, М. А Ястребинский, Г. Е. Баженов, О. А. Кислицына, Р. А. Белоусов, В. А. Дорошенко, Б. А. Осипов, Ю. Д. Шмидт, В. П. Красовский, А. Р. Ханов, П. П. Табурчак, М.К. Старовойтов, П.А. Фомин ва бошқаларнинг замонавий илмий ишлари ташкил этади. Ушбу тадқиқотларда корхона иқтисодий салоҳияти деганда унинг узоқ муддатли фаолиятини таъминлаш ва стратегик мақсадларига мавжуд ресурслардан самарали фойдаланган ҳамда имокниятларни ҳисобга олган ҳолда эришиш қобилияти тушунилади. Бизнинг фикримизча, корхона фаолияти ва унинг иқтисодий салоҳиятини комплекс таҳлил қилиш нуқтайи назардан уни қуйидаги компонентлар асосида ўрганиш мақсадга мувофиқдир (1-расм).



1-расм. Корхона иқтисодий салоҳиятини комплекс таҳлил нуқтайи назардан таркиби».[3]

Ушбу ёндашув асосида иқтисодий салоҳиятни таркиблаш иқтисодий салоҳиятни комплекс таҳлил қилишда унинг ҳар бир элементи бўйича кўрсаткичларни ресурслар, компетенциялар ва имкониятлардан иборат учта муҳим мезон бўйича шакллантиришни мақсадга мувофиқдир.

Натижалар. Хўжалик юритувчи субъектларнинг мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигига баҳо бериш, ички резервларни аниқлаш, стратегик бошқарув қарорларини қабул қилиш орқали узоқ муддатли инвестициявий лойиҳаларни самарали амалга ошириш, бизнес субъектлари ўртасида ўзаро манфаатли шартномаларни тузишда иқтисодий салоҳиятни тўғри баҳолаш орқали юзага келиши мумкин бўлган рискларни камайтириш мақсадида иқтисодий салоҳиятни тўғри ва аниқ таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш бўйича услугий асосга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Хўжалик юритувчи субъеклар иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва таҳлил қилишга оид амалдаги усул ва услубларни танқидий таҳлил қилиш орқали уларни замонавий ёндашувлар, ривожланишнинг янги йўналишлари талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли даромадини

oshiриш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилиб, бир қатор ижобий натижаларга эришилди. Хусусан, мамлакат ялпи ички маҳсулоти 2016 йилги 255421,9 млрд сўмдан 2022 йилда 888341,7 млрд. сўмга, саноат маҳсулотлари ҳажми эса 111869,4 млрд. сўмдан 553265,0 млрд. сўмга, асосий капиталга киритилган инвестициялар 51232,0 млрд. сўмдан 266240,0 млрд сўмга етганлиги макро даражада иқтисодий салоҳиятнинг ўсиб бораётганлигидан далолат бермоқда.[4] Бироқ, эришилган натижалар ҳалиям мамлакатимизнинг мавжуд иқтисодий салоҳиятига мос эмаслиги, аслида юқориоқ натижаларга эришимиз мумкинлиги ва бунинг учун барча имкониятлар етарли эканлиги эътироф этилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада қуйидаги фикрларни айтиб ўтганлар: “Биз 2030 йилгача ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмини 160 миллиард долларга етказишдек жуда катта марра олдик. Бунга эришиш албатта осон бўлмайди. Лекин бу йўлда аниқ ҳисоб-китобларимиз, реал имкониятларимиз бор. Табиий бойликларимиз, меҳнат ресурсларимиз, интеллектуал ва маънавий салоҳиятимиз, иш тажрибамиз етарли.” [5]

Мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасига берилаётган улкан имкониятлар ва амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида тадбиркорлик субъектлари сони кескин ортиб бормоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Худудлар кесимида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (дехқон ва фермер хўжаликларисиз), (1 январь холатига кўра, бирлиқда)

| Худудлар | 2017 йил | 2018 йил | 2019 йил | 2020 йил | 2021 йил | 2022 йил |
|--------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| Ўзбекистон | | | | | | |
| Республикаси | 268428 | 285531 | 323517 | 398133 | 475197 | 528929 |


| | | | | | | |
|------------------------------|-------|-------|-------|-------|-------|--------|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 12946 | 13742 | 15590 | 18404 | 21968 | 23721 |
| Андижон | 26278 | 24644 | 27391 | 30740 | 36726 | 40474 |
| Бухоро | 14809 | 15625 | 18115 | 23459 | 28233 | 31160 |
| Жиззах | 10694 | 12008 | 14226 | 17190 | 20993 | 22714 |
| Қашқадарё | 18005 | 18471 | 20915 | 25259 | 30180 | 36168 |
| Навоий | 8771 | 9469 | 11175 | 17067 | 20133 | 22711 |
| Наманган | 18746 | 19952 | 21269 | 25909 | 30882 | 33422 |
| Самарқанд | 19435 | 21061 | 25066 | 31354 | 38946 | 46667 |
| Сурхандарё | 13003 | 13719 | 15172 | 19220 | 25367 | 28291 |
| Сирдарё | 8993 | 9392 | 10367 | 13169 | 15425 | 15920 |
| Тошкент | 25019 | 26919 | 31030 | 38523 | 46173 | 50296 |
| Фарғона | 23310 | 25571 | 29128 | 35379 | 42241 | 46622 |
| Хоразм | 13342 | 13674 | 14837 | 18614 | 21979 | 25160 |
| Тошкент ш. | 55077 | 61284 | 69236 | 83846 | 95951 | 105603 |

Жадвал маълумотларидан хулоса қиласиган бўлсак мамлакатимизда 2022 йилда 2021 йилга нисбатан жами 53732 та корхона ва ташкилотлар фаолияти ортганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса 2021 йилга нисбатан фаолият юритаётган жами корхона ва ташкилотлар сонининг 11,3 фоизга ошганлигини кўрсатмоқда. Ўз навбатида мазкур корхоналар янги иш ўринлари яратилиши, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулот қийматининг ортиши ва бошқа бир қатор макроиктисодий кўрсаткичларнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Юқорида келтириб ўтилган маълумотлар, таҳлил натижалари ва фикрларга асосан янги корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини ҳаққоний баҳолаш асосида ишни

самарали ташкил этиш мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг драйвер йўналиши эканлигини айтиш мумкин.

Корхона иқтисодий салоҳиятини ифодаловчи кўрсаткичларнинг таҳлил қилиниши харажатларни камайтириш, фойдани ошириш, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда аниқланмаган имконият(резерв)ларни топиш имконини беради.

Иқтисодий салоҳиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун фақатгина хўжалик ҳисоби маълумотлари билан чекланиб бўлмайди. Шу боисдан, иқтисодий салоҳият таҳлилининг ахборот манбаларини қуидагича таснифлашни таклиф этамиз (2-расм).



2-расм. Иқтисодий салоҳият таҳлилининг ахборот манбалари таснифи[6]

Ушбу расмда келтириб ўтилган ахборот манбалар фақатгина корхона бошқаруви томонидан иқтисодий салоҳиятни комплекс баҳолаш учун зарур ахборотларни тўплашга қаратилган. Бироқ, инвестициявий қарорлар қабул қилиш нуқтайи назардан инвесторлар ёки бошқа манфаатдорлар томонидан корхона иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш учун очиқ бўлган молиявий ҳисбот маълумотлари уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондирмайди. Шу билан бирга мазкур маълумотлар асосида корхона иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилишда қўлланиладиган бир қатор кўрсаткичларни аниқлаш имконияти бўлмайди. Масалан, бухгалтерия балансида асосий воситалар, номоддий активлар, инвестициялар, жорий

активлар умумий кўринишда берилади, аммо уларнинг муҳим таркибий элементлари аналитик ҳисоб хужжатларида қолади. Шу боисдан, олиб борилган тадқиқотлар натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг “Ҳисоб сиёсати”га молиявий ҳисботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда акс эттириладиган ҳамда иқтисодий салоҳиятни корхона мулки нуқтайи назардан очиб беришга мўлжалланган “Асосий воситалар, номоддий активлар, молиявий инвестициялар, жорий активлар тўғрисида қисқа умумлашган ахборот” номли маҳсус шакл киритиш таклиф этилди. Ушбу шаклни киритиш орқали маҳаллий ва хорижий инвесторлар, потенциал кредиторлар ва бошқа ахборот фойдаланувчиларга корхона иқтисодий



салоҳияти тўғрисида молиявий ҳисобот шаклларида ўз аксини топмаган кўшимча маълумотларни тақдим этиш орқали молиявий ҳисботнинг шаффолиги ва оммаболлигини оширишга эришилади. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳияти таҳлилиниң ахборот таъминоти кенгайтирилади, жорий ва узоқ муддатли активлар билан боғлиқ салоҳият кўрсаткичларни ҳисоблашдаги аниқлик ошади.

Мунозара. Замонавий бошқрув жараёнларининг самарали ва натижадор бўлиши бевосита уларнинг ишончли, илмий асосланган ва таҳлилий ахборотлар билан ўз вақтида таъминлашга боғлиқdir. Шунингдек, бугунги кунда бошқарув жараёнида ўрганиладиган масалалар, бошқарув обьектлари ва натижага таъсир этувчи омиллар шунчалик кўпки, натижада ҳар бир жараён, фаолият ёки обьектни алоҳида ўрганиш, таҳлил қилиш орқали қарор қабул қилинмаса, бу якуний натижага ўзининг таъсирини кўрсатади. Айнан мана шу сабаб туфайли хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий таҳлил бир қанча турларга бўлиб амалга оширилмоқда.

Таҳлил ишларининг натижадорлиги унинг ахборот таъминотига бевосита боғлиқdir. Таҳлилда қўлланиладиган ахборот манбалари таҳлил қилинаётган обьектнинг хусусиятларидан келиб чиқиб турлича бўлади. Бироқ, иқтисодий таҳлилиниң ахборот манбаларига хўжалик ҳисобини юритиш натижасида олинган маълумотлар ва ташки манбалардан олинадиган маълумотлар киради.

Хулоса. Мамлакат иқтисодий салоҳиятини унинг қуий бўғини ҳисобланган тадбиркорлик субъектлар ташкил этади. Ҳар қандай макроиктисодий кўрсаткич хўжалик юритувчи субъектларнинг қай даражада самарали фаолият юритаётганлиги ва уларнинг имкониятларидан келиб чиқиб шаклланади. Шу боисдан, тадбиркорлик субъектлари сонининг ортиши, фаолият соҳаларининг хилма-хиллиги, турли мулкчилик шаклларига тегишлилиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш ва хизматлар) тури ва ҳажмининг узлуксиз ортиб боришига эришиш якуний натижада мамлакат иқтисодиёти ривожини таъминлаб берувчи асосий омил сифатида талқин этиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. [World Economic Situation and Prospects 2023 | Department of Economic and Social Affairs \(un.org\)](#)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги ПҚ-4702-сон «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида »ги қарори. [ПҚ-4702-сон 01.05.2020. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида \(lex.uz\)](#)
3. Махсус адабиётлар асосида тайёрланди
4. [Makroko'rsatkichlar \(stat.uz\)](#) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти маълуотлари.
5. [Халқимизнинг юксак ишончини оқлаш, эришган ютукларимизни янги, янада улкан](#)



натижалар билан мустаҳкамлаш – бош вазифамиз (president.uz)

6. Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.
7. <https://www.lex.uz>
8. <https://www.mf.uz>